



ПРЕЗИДЕНТ ЯНГИ БОҒДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 9 июль куни Янги Ўзбекистон боғи ҳудудида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари пойтахтлари нафақат яшаш ва ишлаш учун кенг имконият яратувчи бино ва иншоотлар, балки аҳолининг дам олиши учун қулай маскан бўлган соя-салқин боғлари билан ҳам машҳур. Чунки боғ ва сайилгоҳлар юртга чирой берадиган, ҳаёт сифатини оширадиган омиллардан.

Мамлакатимизда ҳам кейинги йилларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ва халқимизнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кундан-кун қурилиш кўлами кенгайиб, улкан мегаполисга айланиб бораётган пойтахтимизда бу борадаги ишларнинг аҳамияти, аиникса, муҳим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳри яқинида барпо этилаётган манзарали боғ нафақат истироҳат ва маънавият маскани, балки бир неча минг йиллик буюк давлатчилигимиз тарихини кўрсатадиган мажмуа бўлади.

Жорий йил 1 май куни Янги Ўзбекистон боғига илк қўчатлар ўтказилиб, кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари бошланган эди.

Ушанда Президентимиз бу боғнинг тарихий-ғоявий аҳамиятини таъкидлаганди. Боиси, Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган "Истиқлол" мажмуаси ҳам шу ерда барпо этилади.

Боғ лойиҳаси ўзбекистонлик ва чет эллик мутахассислар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Унинг мазмуни миллий давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг бугунги интилишлари ва Учинчи Ренессанс мақсадларини ўзида мужассам этади. 104 гектарлик боғнинг умумий кўриниши Ҳаракатлар стратегияси йўналишларига монанд дарахтнинг бешта шохи шаклида бўлади. Бу ерда одамлар табиат кўйида дам оладиган сўлим ҳудудлар барпо этилади. Каштан, эман, чинор, лола, настирин каби манзарали дарахтлар, буталар ва гуллар экилади.

Бугунги кунда боғда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. 2 мингдан зиёд қурувчи ва ишчи, 200 дан ортиқ махсус техника жалб қилинган.

Боғ ҳудудида "Истиқлол" мажмуаси қурилмоқда. У Ўзбекистоннинг янги қиёфасини намоён этади. Ҳозирги кунда ушбу улкан иншоотнинг пойдевори қуйилиб, темирдан асоси ясалган.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ердаги қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Яна бир гектардан зиёд майдонда 5 минг ўринли очик амфитеатр барпо этилмоқда. Келгусида бу ерда умумхалқ байрамлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Мажмуа замонавий ёритиш ва акустика тизимлари билан жиҳозланади. Аини пайтда унинг пойдевори қуйилиб, саҳнанинг темир синчлари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбарига "Истиқлол" мажмуаси ва амфитеатр қурилиши ҳақида маълумот берилди.

Боғда, шунингдек, 6 гектарлик сунъий кўл, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳи, сокин ҳудуд ва фавворалар барпо этилади. Бугунги кунда улар қуриладиган майдонлар тайёрланиб, суғориш ва оқова тизимлари барпо этилаётди.

Президентимиз боққа экиладиган манзарали дарахт қўчатларини ҳам кўрди.

Қибрай туманидаги ушбу ҳудудда Олимпия шаҳарчаси, университет, шифохона, савдо ва кўнглочар масканлар ҳам барпо этилади. Бугунги кунда уларнинг қурилиши бошлаб юборилган.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ОЛДИДАН

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ
ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН
БИРДЕК МАНФААТЛИ ЙЎЛ

MARKAZIY
VA JANUBIY
OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

Президентимиз ташаббуси билан 15-16 июль кунлари Тошкентда "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ташаббус халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Бу эса бугунги глобал трансформациялар туфайли жаҳон иқтисодиёти марказининг Осиё томон силжиши шароитида Марказий Осиёнинг аҳамияти ошиб бораётганини кўрсатади. Халқаро экспертлар фикрича, бундай шароитда Ўзбекистон

раҳбари томонидан бошланган ички ислохотлар жараёни, очик ва ривожланиб бораётган дўстона сиёсат минтақада муҳитни тубдан яхшилашга, ҳамкорлик механизмларини шакллантиришга ва Марказий Осиёнинг жозибадорлигини кучайтиришга кўмаклашди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА



ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ —
ҲАР БИР ЖАМИЯТ
ЭРКИНЛИГИНИНГ КЎЗГУСИДИР

Истиқлол халқимиз эрку саодатини тилаб, бу йўлда армон, чексиз ўқинч ва изтироб билан ўтиб кетган аждодларимиз дуо ва муродларининг ижобатидир. Истиқлол — буюк меросимизни, ўзлимизни англаш сари йўл очган, masjidлар меҳробига нур, қалбалар муқаддас ислом дини зиёсини, имон-этиқод ишончи, инсоний ҳуқуқларимизни қайтариб берган мўътабар қадриятдир.

Давоми 5-бетда

СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 июль куни спорт таълимини ривожлантириш ва Олимпия заҳираларини тайёрлаш масалаларига доир тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 15 та олимпия заҳиралари коллежи, 344 та спорт мактаби ва 7 та олий спорт маҳорати мактаби фаолият юритмоқда. Уларда 380 минг нафар ёшлар 100 дан ортиқ спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда.

Сўнгги уч йилда Олимпия заҳиралари коллежлари ўқувчилари халқаро мусобақаларда 723 та, республика турнирларида 10 мингдан зиёд медалларни қўлга киритган. Қарийб 4 минг 500 нафар ўқувчи Ўзбекистон миллий терма жамоаларига қабул қилинган.

Бу соҳани янада ривожлантириш учун спорт таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мураббийлар малакасини ошириш зарур.

Хусусан, ушбу муассасаларда ишлаётган 14 мингга яқин мураббийларнинг қарийб 6 минг нафари олий маълумотга эга эмас. Шунингдек, жойларда от спорти, замонавий бешкураш, регби, ўқ отиш, камондан отиш, велоспорт, сувга сакраш ва синхрон сузиш бўйича мураббийлар етишмайди.

Тақдимотда спорт таълими тизимини тубдан яхшилаш, замонавий дастур ва методикаларни жорий этиш, муассасаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Олимпия заҳиралари коллежлари ҳамда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги олий таълим муассасалари инфратузилмасини яхшилаб, спорт таълимини такомиллаштириш, ўқувчи ва талабалар сонини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Соҳадаги таълим муассасаларининг Паралимпия бўлимларига 10 фоизгача қўшимча квота ажратилиши ҳамда отоналар томонидан тўлов тартиби бекор қилиниши белгиланди. Шунингдек, қизлар учун квотани кўпайтириш орқали Халқаро олимпия қўмитасининг гендер тенгликка доир тамойиллари таъминланади.

Селекция ишларини кучайтириш, бу жараёнда очиклик ва шаффофликни таъминлаб, коррупция ҳолатларига барҳам бериш бўйича кўрсатмалар берилди. Олимпия

заҳиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва мусобақалар ташкил этиш бўйича электрон платформани ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Президентимиз Олимпия заҳиралари коллежларини спорт федерациялари билан узвий боғлаш, иқтидорли ёшларни ўстиришда промоутер, скаут, агент каби мутахассислар фаолиятини кенг қўллаш ва бу йўналишларни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади.

Спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Спортчиларни тайёрлаш ва ўқув муассасаларини бошқариш тизимини илмий асосланган равишда ривожлантириш зарурлиги айтилди.

2021-2022 ўқув йилидан бошлаб, спорт мактабларида давлат буюртмаси асосида разрядли ва унвонли спортчиларни тайёрлаш йўлга қўйилиши белгиланди.

Мураббийлар етишмаётган спорт турлари бўйича малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш, уларга маҳаллий мураббий ва талабаларни бириктириб, тажрибасини ўрганиш кераклиги қайд этилди.

Спорт таълими муассасаларини қуриш ва таъмирлаш, замонавий жиҳозлар ва спорт адабиётлари билан таъминлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Спортчиларимиз Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган ушбу нуфузли мусобақага жами 126 та йўлланмани қўлга киритган.

Давлатимиз раҳбари спортчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яхши натижаларга эришиши учун барча шароитларни яратиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, 2024 йили Францияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёргарликни ҳозирдан бошлаш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ШАХСІЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Барча давлат идоралари ва корхоналарида тизимли ишлаш, қатъий тартиб-интизом, қабул қилинган қарорларни сўзсиз бажариш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва амалий ёрдам бериш ислохотларимизнинг натижадорлигини таъминлашда асосий омил бўлиши зарур ва шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш, тадбиркорларга кенг йўл очиш, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли тўсиқларни олиб ташлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва назоратида турибди.

Мамлакатимизда тадбиркорлар, жумладан, чет эллик инвесторлар билан очик ва тўғридан-тўғри мулоқотни таъминлаш, қонуний талабларини амалий ва самарали рўёбга чиқариш ҳамда муаммолари масалаларини ҳал этиш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва моддий фаровонлигини ўстириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар муружаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ташкил этилди.

Мазкур ҳужжатда белгилаб берилган вазифаларнинг самарали ижроси Бош вазир қабулхоналарининг тадбиркорлар ва шу фаолият билан шугулланиш истагидаги фуқаролар олдидаги муаммоларни бошланғич босқичда аниқлаб, жойида ҳал этишга ҳамда аҳолининг ижтимоий қайфияти ва ислохотлар муваффақиятининг асосий барометрига айланишига имконият яратди. Ушбу амалиётнинг келгуси ривож

ислохотларни "юқоридан қуйиға"га эмас, балки "қуйидан юқорига"га тамойили асосида амалга оширишга имкон берувчи "қайта алоқа" механизминини қўллаш имконини беради.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг муружаатлари **бевосита ҳар бир ҳудудда ташкил этилган Бош вазир қабулхоналари**, **Виртуал қабулхона (business.gov.uz ягона интерактив портали)**, **Call-марказ ("1100" қисқа рақам)**, **сайёр қабулларда ҳамда республика ишчи гуруҳи ва Бош вазирнинг Тадбиркорлар муружаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қотибияти ходимлари томонидан** қабул қилинади. Барча муружаатлар Бош вазир қабулхоналарида дастлаб ваколатли органлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар томонидан ўрганилади, сўнг муружаат тўғрисидаги маълумотлар business.gov.uz ягона интерактив порталига жойлаштирилиб, тегишлилиги бўйича ваколатли органларга ўз вақтида кўриб чиқиш учун юборилади.

Давоми 3-бетда

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ОЛДИДАН

МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ УЧУН БИРДЕК МАНФААТЛИ ЙЎЛ



Дониёр ҚУРБОНОВ,
Халқаро муносабатлар
ахборот-таҳлил маркази
директори вазифасини
бажарувчи

Бошланиши 1-бетда

Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қаралаётган Афғонистонга нисбатан муносабатлар ижобий томонга ўзгарди. Афғонистон бўйича 2018 йилги Тошкент конференцияси ва 2019 йилда Тошкентда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг консультатив учрашуви якуний ҳужжатларида Афғонистондаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш, уни минтақавий алоқалар ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этиш бўйича яқдилликда ўз аксини топди. Минтақа давлатлари ва Афғонистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик фаоллашди. Уларнинг Афғонистон ташқи савдосидаги улуши 22 фоизни, импортидаги улуши эса деярли 25 фоизни ташкил этди. Жанубий Осиёга Туркменистон — Афғонистон — Покистон — Ҳиндистон газ қувури, CASA-1000 электр узатиш линиялари (Марказий Осиёдан Жанубий Осиё мамлакатларигача) ва бошқа шу каби трансафғон энергетика ва транспорт йўлақларини очиш ишлари тикланди. Афғонистон билан ҳамкорлик масалалари бўйича АҚШ, Европа Иттифоқи, Россия, Хитой ва Жанубий Осиёнинг етакчи давлатлари билан алоқалар кенгайди.

2019 йил январь ойида Самарқандда Афғонистон ишларида “Ҳиндистон — Марказий Осиё” ташқи ишлар вазирлари мулоқоти ўтказилди. 2021 йил февралда Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон “Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилиши

лойиҳаси бўйича қўшма ҳаракатлар режасини қабул қилди. Бу каби ўзгаришлар Ўзбекистон ва минтақа давлатларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, унинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғловчи кўприк сифатидаги тарихий ролини тиклашга бўлган қизиқишини акс эттиради.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, минтақанинг глобал иқтисодийётга кириш даражаси 60 фоиздан паст бўлиб, бу ҳол экспорт рақобатбардошлигини ва ривожланиш имкониятларини сезиларли даражада камайтиради. Масалан, Марказий Осиё мамлакатларидан бир контейнерни Шанхайга етказиб бериш Польша ёки Туркиядан юборгандан кўра 5 баробар қимматроқ.

Жанубий Осиё иқтисодий ўсиш суръатлари ва қарийб 2 миллиардлик аҳолига эга улкан бозор салоҳияти билан глобал иқтисодийёт марказларидан бирига айланмоқда. Бундан ташқари, Афғонистон орқали Ҳинд океани портларига транзит Марказий Осиё мамлакатларига энг қисқа йўл орқали денгизга чиқиш имконини беради ва минтақанинг транспорт алоқаси даражасини бир неча баробар оширади.

Шу нуктаи назардан, Жанубий Осиё билан ҳар томонлама ўзаро боғлиқликни ривожлантириш Марказий Осиё давлатлари учун стратегик вазифага айланмоқда. Бу эса экспорт бозори кенгайишини таъминлаш, иқтисодийётнинг ўсиш суръатларини, sanoatлаштиришни, транспорт-логистика ҳолатини, минтақа, умуман, Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сармоявий жозибadorлигини тубдан яхшилаш имконини беради.

Ўз навбатида, Жанубий Осиёда минтақамизга, унинг иқтисодий, энергетик ва транзит салоҳиятига эътибор

Афғонистондаги миллий ярашишга, барқарорликка, уни тинч йўл билан тиклашга ва минтақалараро алоқаларга жалб этишга ёрдамни кучайтириш бугунги кунда долзарбдир. Марказий Осиёда бўлгани каби Жанубий Осиёда ҳам сиёсий ишонччи мустақкамлаш, минтақавий ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича қилинадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқ бўлиши аниқ.

кучаймоқда. 2010 йилда Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик (МОМИХ) дастурига қўшилган Покистон ҳозирги кунда Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо, транспорт ва энергетика соҳаларида ўзаро алоқаларни фаоллаштирмоқда. Ҳиндистон 2012 йилда қабул қилинган “Марказий Осиё билан алоқа” курсига мувофиқ минтақа давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни йўлга қўймоқда.

Шундай қилиб, Осиёнинг ҳар икки минтақасида кўп асрлик ўзаро алоқаларни, савдо, инвестиция, энергетика, транспорт ва логистика, шунингдек, кенг маданий-гуманитар алмашинув соҳаларида ҳамкорликни тиклашга бўлган қизиқиш юқори.

Жанубий Осиё иқтисодий ўсиш суръатлари ва қарийб 2 миллиардлик аҳолига эга улкан бозор салоҳияти билан глобал иқтисодийёт марказларидан бирига айланмоқда. Бундан ташқари, Афғонистон орқали Ҳинд океани портларига транзит Марказий Осиё мамлакатларига энг қисқа йўл орқали денгизга чиқиш имконини беради ва минтақанинг транспорт алоқаси даражасини бир неча баробар оширади.

Ушбу режаларни амалга ошириш учун ҳар икки минтақа мамлакатларининг узоқ муддатли қўшма ҳаракатлари, муҳим молиявий, инвестиция ва технологик захиралари, тижорат алоқаларини кенгайтириш, жисмоний, институционал ва тартибли инфратузилмани ривожлантириш керак бўлади. Шу боис, биринчи навбатда, ўзаро боғлиқликни мустақкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш учун сиёсий, ҳуқуқий ва институционал шароитлар яратиш бўйича минтақалараро яқдилликни шакллантириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Афғонистондаги миллий ярашишга, барқарорликка, уни тинч йўл билан тиклашга ва минтақалараро алоқаларга жалб этишга ёрдамни кучайтириш бугунги кунда долзарбдир. Марказий Осиёда бўлгани каби Жанубий Осиёда ҳам сиёсий ишонччи мустақкамлаш, минтақавий ва минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича қилинадиган ҳаракатлар мақсадга мувофиқ бўлиши аниқ.

Ўзаро алоқаларни институционал ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этишга минтақалараро расмий алоқаларни ишбилармон доиралар билан яқин алоқаларни олиштириш ёрдам бериши мумкин. Шу мақсадда Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури, Жанубий Осиё минтақавий ҳамкорлик ассоциацияси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби мавжуд минтақавий механизмлардан фойдаланиш мумкин.

Иккинчидан, савдо ва инвестицияларни, тўғридан-тўғри тижорат алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароит яратиш зарур. Минтақа мамлакатлари Жанубий Осиё давлатлари билан савдо ва сармоявий битимлар тузиш, банк ва молиявий алоқаларни кенгайтириш ҳамда савдони енгиллаштириш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш борасида саъй-ҳаракатларини кучайтириши зарур.

Ўзбекистон томони Ҳиндистон билан имтиёзли савдо ва инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва тақдирлаш бўйича битимлар ҳамда Покистон билан имтиёзли ва транзит савдо бўйича битимлар устида ишларни бошлаб юборган.

2020 йил февраль ойида энергетика, фармацевтика, автомобилсозлик, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, ахборот технологиялари ва туризм соҳаларига ўзаро савдо ва инвестицияларни оширишга кўмаклашиш мақсадида “Ҳиндистон — Марказий Осиё” ишбилармонлар кенгаши ташкил этилди. Жанубий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ишбилармон доиралари ташкилотлари билан алоқалар ривожланмоқда. Марказий Осиёдаги ишбилармон доиралар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг минтақавий тузилмаларини ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ҳамда Евроосиёнинг бошқа ҳудудлари ўртасида юк ташиш вақти ва харажатларини камайтирадиган кўп вариантли минтақалараро транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўп томонлама саъй-ҳаракатларни кучайтириш керак.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, Покистоннинг Ҳинд океанидаги портларига чиқувчи “Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлининг қурилиши Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги савдо-сотиқда товарларни етказиб беришни 30 кундан 5 кунгача қисқартиради, шунингдек, Марказий Осиё ва Покистон ўртасидаги транспорт харажатларини 35 фоиз камайтиради. Юк ташиш нархи қарийб 2 баробар камайиши мумкин ҳамда Жануби-шарқий Осиё ва Шарқий Европа ўртасида Ўзбекистон, Қозғоғистон ва Россия темир йўллари орқали юк ташиш ҳажми ошади.

Минтақавий транспорт алоқасини, Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон транспорт йўлаги бўйлаб

юк автомобиллари қатновини ривожлантириш, Ўзбекистон, Эрон ва Ҳиндистон ўртасидаги транспорт логистикаси алоқалари, шунингдек, фуқаро авиацияси соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳам ғоят муҳим. Икки минтақа ўртасида транспорт коммуникациялари тизими шаклланиши Евроосиёда континентал юк ташиш ҳажми ўсишини ва шарқдан ғарбга ва шимолдан жанубга чўзилган транспорт йўлақлари кесишган жойдаги Марказий Осиё транзит салоҳияти мустақкамланишини таъминлайди.

Тўртинчидан, бундай кенг кўламли вазифаларни ҳал этиш халқаро ҳам-жамиятнинг фаол қўллаб-қувватлашини талаб қилади. Ҳозирданок икки минтақанинг улкан ривожланиш салоҳиятини рўёбга чиқаришга қизиққан манфаатдор томонларнинг саъй-ҳаракати муваффақиятларини сезиш мумкин. Хусусан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЕТББ ва бошқа халқаро молия институтлари Пешоваргача темир йўл қурилишини қўллаб-қувватлаган. Ушбу лойиҳани амалга оширишда “Россия темир йўллари” компанияси ҳам иштирок этишга шай.

Хитой банклари ва компаниялари Хитой — Покистон иқтисодий йўлагини яратишда, шу жумладан, Покистон темир йўллари ва портларини модернизация қилишда иштирок этмоқда. Икки минтақанинг ўзаро боғлиқлигини мустақкамлаш АҚШнинг Халқаро тараққиётни молиялаштириш корпорацияси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бунда Форс кўрфазидagi араб мамлакатлари ва Япония ҳам муҳим роль ўйнаши мумкин.

Умуман олганда, Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақалараро алоқасини тиклаш ва мустақкамлаш минтақа давлатларининг ривожланиши учун шароитларни сезиларли даражада яхшилашга қаратилган. Тошкентда бўладиган халқаро конференция ана шу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

МУНОСАБАТ

ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон — турли миллат ва элатлар, конфессиялар вакиллари ўз диний ибодат ва расм-русумларини эмин-эркин бажариб, ўзаро тинч-тотув яшаб келаётган бағрикенг дийёр.



Ежи МАЦУЛЕВИЧ,
Рим-католик черкови
епископи

Виждон эркинлигини таъминлаш бугунги кунда юртимиздаги энг устувор вазифалардан биридир. Шу боис, парламент томонидан фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминловчи, шунингдек, ҳар қандай динга зўрлик билан киритишни тақиқловчи “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди ва Президент томонидан имзоланди.

Унда ҳар бир фуқаронинг виждон эркинлигини таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётига аниқликлар киритишга алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиш лозим.

Ҳужжатда давлат идоралари томонидан қонун нормалари ноҳолис талқин қилиниши ва турлича қўлланилишининг олдини олиш мақсадида атама ва тушунчаларга таърифлар келтирилди, улар аниқ ва равшан баён этилди. Негаки, аталарнинг тўғри талқин қилиниши турли тушунмовчиликлар, масалала ноҳолис ёндашув ҳолатлари вужудга келишининг олдини олади.

Қонунда “ноқонуний диний фаолият” билан “қонуний диний фаолият” ўртасидаги чегара ҳам белгилаб қўйилди ҳамда “диний таълим” тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан аниқлик киритилди.

Диннинг сиёсатга аралашishi ҳамда диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслик белгиланди. Давлатнинг фуқаролар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва жамиятда тинчлик, тотувликни таъминлашга шарт-шароит яратиш йўлида кафил экани баён қилинди.

Янги таҳрирдаги қонун диний бағрикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни мустақкамлашга,

диннинг асл моҳиятини англашга, бузғунчи ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилишга, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Шунингдек, турли эътиқодлар ўртасидаги муносабатларни янада мустақкамлашга, жамиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга асосланган қонун диний соҳада умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлар, юртимиздаги ҳозирги диний вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва Ўзбекистонда динлараро муносабатлар шаклланишининг тарихий шароитларини ўз ичига олгани билан аҳамиятлидир.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖИЙ ОАВ НИГОҲИДА

THE HERITAGE FOUNDATION: ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН МУҲИМ ШЕРИК



Reform-Minded Uzbekistan Becoming Strategic U.S. Partner in Central Asia

Мақолада таъкидланишича, икки томонлама муносабатлар стратегик шериклиқнинг янги даврига қадам қўйди. АҚШ Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан яқин алоқаларини олиштиришда ҳамда мамлакатдаги ислохотларни қўллаб-қувватлайди.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, шубҳасиз, мамлакатнинг очиқ ва иқтисодий тараққиётига имкон яратиши таъкидланган. Яқинда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири билан мулоқот қилган АҚШ давлат

котиби Э.Блинкен айна пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни, жумладан, инсон ҳуқуқлари ва демократиянинг мустақкамланаётганини қўллаб-қувватлашини билдирди. Шунингдек, у суҳбатда “Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик ва тараққиёт учун муҳим шерик” дея таъкидлаган.

АҚШ давлат департаменти Ўзбекистонда пахта йигим-терими компанияси жараёнида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, мажбурий меҳнатга қарши қонунларнинг бузилишини аниқлаш ва қонунбузарларни жавобгарликка

тортиш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни ҳам маъқуллайди. “Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев ва унинг ислохотларини қўллаб-қувватладиган жамоаси самарали бошқарув, суд тизимини ислоҳ қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодий либераллик, ижтимоий тараққиёт, очиқ ва конструктив ташқи сиёсатни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни тuzди”, дейилади мақолада. Шунингдек, Ўзбекистон сўнгги уч йил ичида жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилаётгани эътироф этилади.

Американинг The Heritage Foundation таҳлилий маркази “Ислохотларга интилаётган Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиёдаги стратегик шеригига айланмоқда” номли мақолани эрион қилди.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР РАЎБАРЛАРИНИНГ ШАХСИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

А. АЛЛАМУРДОВ, Вазирлар Маҳкамасининг Бош вазирнинг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти мудири

Бошланиши 1-бетда

Мурожаатларнинг барчаси қатъий назоратга олиниб, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқирилиши таъминланмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг ўтган даврида Бош вазир қабулхоналарига тадбиркорлардан жами **37 379 та** мурожаат тушди ва ижрога олинди. Ушбу мурожаатларда кўтарилган **40 636 та** масаланинг **39 778 таси**, яъни **97,9** фоизини кўриб чиқиш таъминланди. Масалаларнинг **23 715 таси** (59,6 фоизи) туман ва шаҳар, **13 206 таси** (33,2 фоизи) вилоят ва **2 857 таси** (7,2 фоизи) республика даражасида кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган **39 778 та** масаланинг **22 514 таси**, яъни **56,6** фоизи ижобий ҳал этилди, шунингдек **16 793 таси** бўйича (42,2 фоиз) тушунтириш берилди ва **471 таси** (1,2 фоиз) рад қилинди.

Масалан, “Мўйноқ транспорт” МЧЖ раҳбари, ёш тадбиркор О.Тўлєбєєвнинг қорхона фаолияти учун автотранспорт воситалари сотиб олиш мақсадида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўраб Бош вазирнинг Қорақалпоғистон Республикаси Қўнгирот туманидаги қабулхонасига қилган мурожаати “Ўзсаноат-қурилишбанк” АТБ Қўнгирот филиали билан бирга кўриб чиқилган ва тадбиркорга 910 миллион сўм кредит ажратилиб, мурожаат ижобий ҳал этилган.

Сўнгги беш йилда замонавий бошқарув усуллари амалиётга жорий этиш, назорат қилиш ва ижроини текшириш шакллари таъминлаштириш, талабчанликни қучатириш борасида бажарилган муайян ишлар ва давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда ҳудудлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар мураккаб шароитларда давлат қурилишининг серқирра вазифаларини амалга ошириш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришни таъминлаш, республикани барқарор ҳамда жадал ривожлантириш имконини бермоқда.

Бунинг мантиқий давоми сифатида Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қўнуқчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучатиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ижро интизомини ташкил этиш бўйича мутлақо янги тизим кенг жорий этилди.

Мазкур фармон ижросини жойларда сифатли таъминлаш мақсадида Бош вазир қабулхоналари ходимлари томонидан календарь ҳамда шахсий иш режаларини тузиш, эришилган натижаларни тизимли таҳлил қилиш, Бош вазир қабулхоналари ходимларини ротация қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Ҳар бир мурожаатнинг business.gov.uz ягона интерактив порталига киритилиши ва электрон назорат

мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш масаласи турибди. Тадбиркорлар, жумладан, чет эллик инвесторларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қатъий интизом, шахсий масъулият ва ташаббускорликни ошириш талаб этилади. Бунинг учун Бош вазир қабулхоналари ходимлари ва ваколатли органларнинг раҳбарлари ўз олдида қуйидаги устувор вазифаларни қўйиши зарур:

— тадбиркорларнинг мурожаатлари кўриб чиқирилиши ўринбосарлар, таркибий бўлинмалар раҳбарлари ёки масъул ижроича берилган “ижро учун” топшириғи билан чекланиб қолмаслиги, балки биринчи раҳбарлар томонидан шахсан кўнлик назорат қилиниши;

— мурожаатларни кўриб чиқишда масаланинг асл моҳиятидан келиб чиқиб уни маҳалла, туман ва шаҳар даражасида ҳал этиш чораларини кўриш, масала ҳал этилмас, мурожаатчининг иштирокида унинг масаласини вилоят ва республика даражасида кўриб чиқиш учун таклиф киритиш, қисқа муддатда кўриб чиқирилишига амалий кўмак бериш;

— сайёр қабуллар жадвалига асосан мурожаатларни жойига қиққан ҳолда ўрганиш ва тезкор ҳал этиш чораларини кўриш;

— мурожаатни қўнуқий ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда, малакали мутахассислар билан биргаликда ташаббус кўрсатган ҳолда муқобил ечимлар таклиф этиш;

— “маҳаллабаи” ишлаш тизими орқали тадбиркорлар эҳтиёжларини ва дуч келаётган тизимли муаммоларини эшитиш ҳамда уларнинг ечимини бўйича амалий чоралар кўриш;

— тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларига риоя этмаган, тақдирий мурожаатларнинг қўла-йишига йўл қўйган масъул шахсларнинг ҳисоботларини тегишли Халқ депутатлари кенгаши мажлисларида, ҳокимлик соатларида, вазирлик ва идораларнинг ҳафталик йиғилишларида эшитиш амалиётини кенг жорий этиш;

— тадбиркордан тушган мурожаат-



технологиялар имкониятларидан фойдаланиш орқали бюрократик тўсиқларни бартараф этиш.

Ушбу устувор вазифаларнинг амалиётга кенг жорий этилиши, тадбиркорлар, жумладан, чет эллик инвесторларнинг масалалари қўйи поғонада ҳал қилиниши уларнинг давлат идораларига бўлган ишончи ортиши ва ислохотлар самарадорлигига бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари ҳузурида ўтказилаётган кўплаб видеоселектор йиғилишларида аҳолини тадбиркорликка жалб этиш орқали унинг даромадини ва банд-

Сайёр қабулларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти бевосита маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари ваколатига тааллуқли экани, кўп ҳолларда кўтарилган муаммолар, таассуфки, ўз вақтида ҳамда жойида ҳал қилинмасдан қолаётгани, қўйи бўғиндаги айрим раҳбарлар тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрмаётгани аяқол намоён бўлаётди.

Ўтказилган сайёр қабулларда 3 700 дан ортиқ тадбиркор иштирок этиб, уларнинг 3 711 тасида (Қашқадарёда 185 та, Фарғонада 218 та, Наманганда 294 та, Бухорода 404 та, Навоийда 266 та, Самарқандда 232 та, Сурхондарёда 313 та, Жиззахда 418 та, Сирдарёда 412 та, Хоразмда 441 та, Андижон вилоятида 331 та ва Қорақалпоғистон Республикасида 197 та) муаммолари масалалар кўтарилган.

Бунинг кўндал мазкур мурожаатлар Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари орқали business.gov.uz ягона интерактив порталига тўлиқ киритилиб, уларнинг 1 271 таси ижобий ҳал қилинган бўлса, 2 440 тасининг ижроси назоратга олинди.

Мисол учун, Навоий вилояти Қонимех туманидаги “СНОССО ИНТЕР ИНВЕСТ” МЧЖ раҳбари И.Бекназаровнинг қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган музлатгич қуриш учун Ёшлар саноат зонасидан ер ажратиш бўйича

қилган мурожаати ўрганиб чиқилиб, унга шу ҳудуддан 500 кв.метр ер майдони ажратиб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга ва қўлай инвестиция муҳитини шакллантиришга тўққинлик қилувчи муҳим муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича жойларда мунтазам сайёр қабуллар, жумладан, видеоконференцалоқа воситаси орқали ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, Самарқанд шаҳрида бир гуруҳ тадбиркорлар билан ўтказилган сайёр қабулда тижорат банкларида кредит маблағлари олиш, электр энергияси ва газ таъминоти, экспорт ва импортда юзга келаётган айрим муаммолар, эркин иқтисодий зоналардаги коммуникация тизимларини янада тақомиллаштириш каби мавзуларда 45 дан ортиқ мурожаат қабул қилиниб, тадбиркорлар томонидан кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этилди.

Мисол учун, Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги “Даромад фазз омад” МЧЖ раҳбари М.Омонуллаевнинг оқова сув тозалаш иншоотлари қуриш учун ер майдони ажратишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди ва тадбиркорга 49 йил муддатга 12,3 гектар ер майдони шартнома асосида ажратиб берилди.

Қолган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқ, тадбиркорларга тушунтириш ва тавсиялар берилди.

Тадбиркорларни қабул қилиш, жумладан, сайёр қабулларнинг тасдиқланган режа-жадвал асосида ўтказилиши, мурожаатларни белгиланган муддатда ҳамда сифатли кўриб чиқишда Бош вазирнинг Навоий, Фарғона вилоятларидаги ҳамда Хатирчи, Хива, Ўзун туманларидаги, Охангарон, Қувасой шаҳарларидаги қабулхоналари ходимлари шахсий масъулият ва ташаббускорлик билан самарали фаолият кўрсатаётгани диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, Бош вазирнинг Самарқанд вилоятидаги, Тошкент шаҳридаги ҳамда Олмазор, Учтепа, Учқўрғон, Ховос, Янгийўл, Каттақўрғон туманларидаги қабулхоналари ходимлари ҳам ваколатли органлар томонидан тадбиркорларнинг мурожаатлари ўз муддатида ва сифатли кўриб чиқирилишига янада эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг барча бўғинлари раҳбарлари тадбиркорлар дуч келиши мўмкин бўлган муаммоларни илдиз отмасдан аниқлаб, қўйи даражада ечилишини таъминлаш, ваколатли органлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини янада қучатириш мақсадида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида тадбиркорлар мурожаатларининг келиб чиқиши сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда тадбиркорликни ривожлантиришга тўққинлик қилаётган ва мурожаатларнинг орттишига сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва уларни маҳаллий даражада бартараф этиш бўйича тегишли чоралар белгилаш мақсада мувофиқ бўлади.



Қарорга мувофиқ, 2022 йил 1 январдан 2025 йил 1 январгача:

✓ ҳар йили етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосилининг 1 кг. учун 5 минг сўм миқдориди хонадонларда пилла етиштирувчиларга республика бюджети ҳисобидан субсидия ажратилади;



✓ тутзорларни сўғориш учун фойдаланилган сув ҳажмига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 50 фоиз миқдорда қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “РЕСПУБЛИКАДА МАВЖУД ЯЙЛОВЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ИПАК ВА ЖУННИ ҚАЙТА ИШЛАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ



Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар жун йўналишидаги қўйларни, шунингдек, қўлда жун йиғириш, ипак матолари, гилам ва кигиз тўқиш ускуналарини сотиб олишга ҳам йўналтирилади.



Қарорга қўра, қуйидаги ҳудудлар жун йўналишидаги майда шохли молларни етиштиришга ихтисослаштирилади:



Қашқадарё вилоятининг Ғузур ва Деҳқонобод туманлари;



Самарқанд вилоятининг Қўшрабат тумани;



Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон ва Бойсун туманлари.



мазкур маблағларнинг 50 миллиард сўми 1-босқич сифатида жун йўналишидаги майда шохли молларни етиштиришга ихтисослаштирилган туманлардаги тадбиркорлар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит ажратишга йўналтирилади.



2-босқичда — 2022 йил 1 апрелга қадар Тикланиш ва тараққиёт жағғирмаси маблағлари ҳисобидан 50 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар тижорат банклари орқали кредит ажратишга йўналтирилади.



Бундан ташқари, Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси деб, Республика “Қоракўлчилик” уюшмаси “Яйлов ҳўжалигини ривожлантириш” уюшмаси деб қайта номланди.



МАЪНАВИЯТ



Отабек БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори

Миллат ғамида айтилган гаплар

Президентимиз шу йил 30 июнда Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида “Ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёхвандлик, иқчиллқбозлик, оилавий ажралишлар, бузгунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари давом этаётгани давлат раҳбари сифатида шахсан мени жиддий ташвишга солмоқда”, деди. Халқ келажаги ғамида айтилган бу фикр барчани ўйлатиб қўйгани табиий.

Бу ҳаётини ҳақиқатни эшитиш, тан олиш қанчалар қийинлигини ҳар бир ота-она жуда яхши ҳис қилса керак. Тўғрида, ахир не-не орзу-умидлар билан ўстираётган боласи жиноятчи деган тамғани олса, бунга чидаб бўладими?!

Ҳар қандай соҳанинг тараққиёти шу соҳада юқори салоҳиятга эга, илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган кадрларнинг амалий ишлари натижаларига боғлиқ. Айни вақтда мамлакатимизда бу борадаги ислохотлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Мунтазам равишда муаммолар ечимига қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ижроси бўйича ҳисоботлар бериб боришмоқда.

Юртимизда кўплаб мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилиб, уларга қамров салмоғи йилдан йилга ўсиб борапти. Давлатимиз раҳбарининг қарори асосида 2021-2022 йилларда мактабгача таълим хизматларини кенгайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилиб белгиланди.

Албатта, таълим-тарбиянинг катта қисмини бола мактаб даврида олади. Шу маънода, мактабгача таълим сифатини ошириш, иқтидорли ўқувчилар селекциясини амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда мамлакатимизнинг бир нечта ҳудудида Президент, ижод ва иxtи-сослаштирилган мактаблар очилди ҳамда яна кўплаб шундай таълим муассасаларини очиб режалаштирилмоқда.

Тўқсон олти қалдирғоч

Бу каби сая-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини кўрсата бошлади. Ҳатто 2020/2021 ўқув йилида Президент мактабларини тамомлаган 96 нафар ўқувчининг барчаси муддатидан аввал нуфузли хорижий олийгоҳларга грант асосида ўқишга кирди. Тошкентда ана шундай нуфузли олий таълим муассасаларидан бири сифатида фаолият олиб бориши қутилаётган “Янги Ўзбекистон” университети очилди.

КЕЛИНГ, ТАРБИЯДА ЎРНАК БЎЛАЙЛИК!

Кўплаб ёшлар тенгдошларига ўрнак бўладиган даражадаги ютуқларни кўлга киритмоқда. Мисол учун, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Ёшлар академияси аъзоси, 23 ёшли Зиёдилла Бутахановни танийсизми? У аэрокосмик тадқиқотлар соҳасида мустақил тадқиқот олиб бориб, аэроостат ясаган ва уни Ўзбекистон Республикаси байроғи билан 48 километр баландликка учирган.

Ёки кўплаб одамларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун турли соҳалар билан боғлиқ профессионал лойиҳалар яратган, веб-сайтлар ва асосан сунъий интеллектли роботлар ишлаб чиқариш устида иш бошлаган, кўплаб мусобақа ва халқаро олимпиадалар ғолиби, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманидаги 225-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Асадбек Рўзиевни олайлик. У буш вақтларидида ахборот-коммуникация технологиялари бўйича турли буюртмаларни бажаради ва шунинг эвазига ойига ўртача 400 АҚШ доллари ишлаб топади.

Тошкент шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Темурбек Сулаймонов ҳозиргача дунёнинг 29 та нуфузли олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилинган.

“Ташаббус-2021” қўриқ-танловининг республика босқичида “Энг яхши ёш тадбиркор” номинациясида 3-ўринни эгаллаган Аҳмаджон Мухаммаджоновнинг бошқа тенгдошларидан фарқи нимада? “Smart Solutions System” МЧЖ директори бўлган бу йигит сув ҳўжалигини рақамлаштиришга хизмат қиладиган “Smart-water” қурилмасини яратган.

Ўзбек тили фанидан Республика фан олимпиадасида 1-ўринни эгаллаган, БМТ томонидан ўтказилган “Превентив дипломатия элчиси” халқаро танловига ғолиб бўлган, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси Абу Толиб Ғиёсов ҳам иқтисодий-сиёсий билимлар соҳасидаги рақобатда жаҳондаги тенгдошларини ортда қолдиришга қодир.

Бу каби ёшлар жуда кўп ва мамлакатимизда ёшларга яратилган шароит ва имкониятлар сабабли уларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Айниқса, юртимиз бўйлаб ўтказилаётган танлов ва мусобақалар, олимпиада ва бошқа тадбирларда янги-янги иқтидорлилар кашф этилмоқда.

Бу нима дегани?

Бу — ўзбек халқига 96 нафар ёш Беруний, бўлғуси Улуғбеги хоразмийлар, Навоий ва бобурлар, Авлоний, Фитрату қодирлилар келди, дегани.

Янада аниқроқ, тушунарлироқ қилиб айтганда, бу — аждодларга муносиб ворисларни тарбиялаш билан янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворининг илк темир илдизлари ўрнашди, дегани.

Тарбияга ким масъул?

Давлатимиз раҳбари Ёшлар кунига бағишланган тадбирда сўзлаган нутқида халқимизга ёт бўлган турли иллатларни ўзига касб қилишга уринаётган бетарбия ёшлар ҳақида тўхталар экан, жумладан, бундай деди:

“Яқинда иқтисодий тармоқларда кўрсатилган хунук воқеалар, яъни



жойлардаги Алишер Навоий, Амир Темур, Мотамсаро она хайкаллари ёнида айрим тарбиясиз ёшлар томонидан содир этилган номаъқул ҳаракатлар мени ниҳоятда ранжитди. Бу болаларнинг ота-онаси, бобо-момолари, ўқитувчи ва муаллимлари, қолаверса, маҳалла-қўй, ёшлар билан ишлайдиган масъул мутасаддилар қаерга қараяпти?”

Хўш, тарбия амалиётидаги муаммоларимиз боиси нимада? Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Абдухалил Маврулов ўз чиқишларидан бирида “Ёшлар ҳар бир шахсининг тарбиясида қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида китоб ўқима-миз, бу ҳақда ота-оналария устозларидан фикр эшитмаганими?” деган саволни қўяди.

Жавобни ҳам профессорнинг ўзи беради: “Шўбҳасиз, ўқиганлар, эшитганлар, биладилар. Хўш, унда нега бу ҳол такрор-такрор қайтарилмоқда? Бизнинг фикримизча, бунинг сабаби ёшларнинг ўзларини ўзлари бошқара

олмасликлари, мустақил тафаккурга эга эмаслигидир. Бунга кўпинча биз, ёши катталар ҳам сабабчимиз. Биз кун давомида ҳамма билан турли мавзуларда гаплашамиз. Аммо фарзандларимиз билан-чи? Кўпчилик ота-оналар суткадаги 24 соат ичида ўз фарзанди билан 15-20 дақиқадан ортқ гаплашмайди. Натижада болада ота-она олдидидаги масъулият ҳисси камайиб бораверади, назоратнинг пасайиши унда сохта эркинликни юзага келтиради”.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз деб толган бир масалага тўхталмоқчимиз. Бу — хамиша тортишувларга сабаб бўладиган болани тарбиялаш, яъни боланинг тарбиясиз ўстирилгани учун айбдорни қидириш муаммоси.

Тарбия учун ким жавобгар? Бу саволни кимга беришингизга қараб, жавоблар тусланаверади. Ота-онага берсангиз, мактабни, мактабга берсангиз, маҳаллани, маҳаллага берсангиз, ота-она ва мактабни айбдор сифатида кўрсатади. Аслида, ҳақиқатан ҳам, барчанинг жавоби тўғри — тарбияга барча бирдек масъул.



Тарбия учун энг биринчи масъул — бу ота-она, иккинчи — педагоглар ва ниҳоят, учинчи — маҳалла-қўй. Ана шу ҳар учала қатламда ҳам масъулият теппа-тег бўлиши керак.

Агар ота-она мана шу мажбуриятни, масъулиятни ўз зиммасига олиб, куну тун боланинг келажаги учун жон қуйдирмас, давлат томонидан яратиб берилган имконият ва шароитлардан унмлли фойдаланмас экан, ҳеч қачон бола ўздан ўзи оқил ва доно бўлиб улғаймайди. Шу маънода, бола тарбияси масаласида биринчи ва энг катта масъулият ота-онага юкланади.

Фақат ота-онанинг ўзигагина айб қўйиш — бу ҳеч кимга айб қўймаслик билан баробар. Чунки ота-оналарни тизимли бошқаришнинг имкони йўқ. Улар, хоҳлайсизми-йўқми, алоҳида хонадонларда яшайди.

Кўндал ёшлар тарбияси билан боғлиқ нимадир воқеа содир бўлгани, демак, биз, ўқитувчилар ҳам онгли равишда ўзимизни айбдор деб ҳис қилишимиз зарур.

Аслида, ҳар бир педагог-ўқитувчи ўз устида ишлаб, вазифасига сидқидилдан ёндаша, билим, малака ва кўникмаларини ошириб, том маънодаги педагогга айлansa, жамиятда маънавият ва шахсининг ахлоқий тарбияси билан боғлиқ қатор муаммолар ўз ўрнини юксак ижобий натижаларга бушатиб беради.

Педагогика фанлари доктори, профессор Мухаммадхон Қўронов қизиқ бир ҳолатни тасвирлаган эди. У кишининг таҳлилига кўра, бирор жойда туртга одам йиғилиб, ўзаро суҳбат бошласа, суҳбатдошларнинг касбига қараб, мурожаат қилинар экан. Масалан, шифокордан бирор касалликнинг давоси ҳақида сўралса, автомобиль ўстасидан машинанинг эҳтиёт қисмлари тўғрисида ва ҳоказо. Лекин нимагадир шу даврада ўқитувчи бўлишига қарамай, бирор киши ундан бола тарбияси ёки бу борадаги муаммоларнинг ечими ҳақида сўрамас экан.

Бир болага етти қўшни ота-она(ми)?

Халқимиз “Бир болага етти қўшни ота-она”, “Бир болага етти маҳалла ота-она” каби ҳикматли сўзларни бежиз айтмаган. Бола катта бўлиб, шахсга айланган, ўзида бор одату фазилатларни, аввало, қаерда намоиш қилди? Маҳалладами?! Агар бола ўғри ёки гиёхванд бўлса, унинг салбий таъсири оиладан кейин кимга тегади? Атрофига кимни шерик қилиш эҳтимоли юқори? Шу маҳалладаги тенгдошлари, ўртоқлари, қўни-қўшнилар эмасми?

Демак, ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун маҳалла аҳли фақат ўз боласинигина эмас, маҳалладаги бошқа болаларнинг тарбияси масаласида ҳам масъуллиқни ҳис қилишлари зарур бўлар экан. Боланинг беғонаси бўлмайди, деган гапни ҳар биримиз ўзимизга қойда қилиб олишимиз зарур бўларкан.

Маҳалламизда бир бола бўлар эди. Болагиданоқ ўғрилиқка ўрганган. Унинг бу одати, аввало, ота-онасига, кейинчалик маҳалладагиларга маълум бўлди. Мактабга бормас, сумкасини қаергадир яшириб, далада одамларга ёрдам бериб юрар эди. Синф раҳбари бола мактабга келмаганини ота-онасига айтиш учун синфдошлари билан унинг уйига борганида ота-она норози бўларди. Маҳалладаги одамлар кўмаклашиш ўрнига, ота-онанинг устидан кулишган ҳам. Ўқитувчига эса “Битта боласини эллаб ололмас, нима қилиб юрибди фарзанд ўстириб?”, “Э, мактабга бориб олим бўлармиди, ундан кўра қўй олиб берсин, боқиб юради”, “Сизга зарурми шунча, бировнинг боласини орқасидан юриш, керак бўлса ўзи боқиб, ўзи тарбиялаб олсин” каби гапларни айтишган.

Орадан йиллар ўтди. Бола йилгитга айланди. Уша гапирган одамларнинг уйдан жуда кўп нарсаларни ўғирлади. Лекин уни на биров қўлга туширди, на ўғирлаган нарсасини қайтариб олди. Ҳатто бошқа маҳалладаги одамлар бирор нимани аниқламоқчи бўлсалар, “Фалончи ўғрининг қўчаси”, “Фалончи ўғрининг отаси, онаси ёки укаси”, “Фалончи ўғрининг қўшини” деб мўлжал оладиган бўлди. Шунда ҳам бирор-бир фаол “келинлар, шу болани ўртага олиб, тарбияси билан шуғулланайлик”, демади. Охир-оқибат бола ўғрилиқ оқибатида қамалди. Қамокда нима бўлгани номаълум-ку, аммо маҳаллада унинг ўғрилигидан зарар қўриб, ҳалигача ўрнини қоплай олмаган одамлар бор. Ота-онаси ва оила аъзолари эса бошқа жойга қўчиб кетиб, гап-сўзлардан қутулиб қолдилар.

Мана, бир боланинг тарбиясизлиги ота-онау маҳалла-қўйга қай даражада таъсир қилди. Биз ана шундай нохушликларнинг олдини олишимиз, жамиятимизда кучли маънавиятли инсонлар сафини оширишнинг барча чораларини кўришимиз керак.

Бунинг учун нима қилиш керак?

Мазкур саволга жавоб сифатида ва ҳулоса ўрнида шунини айтмоқчимизки, бугунги кунда Президентимиз бошчилигида ахлоқий тарбия йўналишида олиб бораётган ишларимизни янада жадаллаштиришимиз, янги босқичга олиб чиқишимиз керак.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК



УЗУМЧИЛИКНИНГ ҲАДИСИНИ ОЛГАН СОҲИБКОР

Форишнинг “Оқтепа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ёмчисой қишлоғида яшовчи Илҳом Саидовни нафақат туманда, балки Жиззах вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам ишнинг кўзини биладиган, омилкор инсон, узум етиштиришнинг ҳадисини олган соҳибкор сифатида яхши билишади. Зеро, Илҳом ака ўз томорқасида етиштириб келаётган ширин узуми, айниқса, қора кишмиш майизи билан шу соҳа устаси сифатида шухрат қозонган.

Илҳом Саидов кўп йиллар тумандаги “Богдон” ширкат ҳўжалигида бригада бошлиғи бўлиб меҳнат қилди. Ана шу йиллар давомида Фориш тоғлари бағридаги қишлоқларни ора-лаб, узумчилик билан шуғулланганидан кўплаб соҳибкорлар суҳбатидида бўлди, шу ишнинг сир-асорларини кўнт билан ўрганди. Ширкат ҳўжалиги тугатилгач эса оила аъзолари билан маслаҳатни бир ерга қўйди-да, оилавий тадбиркорликка қўл урди.

— Биз 21 сотих томорқамизда узумзор ташкил қилганимиз, — дейди Илҳом ака. — Ушбу майдонда узумнинг 30 дан зиёд навини парвариш-ляймиз. Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Ҳосилининг таъми, ранги, йирик-лиги, сувлигили ўзгача. Шу сабаб бундай узум ҳар қандай бозорнинг олди, харидор унинг учун пулини аямайди. Қаҳрамонимиз ток кўчатчилигини

ҳам муваффақиятли йўлга қўйган. Унинг айтишича, бу оддий, аммо алоҳида эътибор талаб қиладиган иш. Қузда тоқларга шакл берилган пайтда кесилган новдалар сараланиб, тупроққа кўмиб қўйлади. Қўлай муҳитда ушбу новдалар томир олиб, ток кўчатларига айланади.

— Биргина ана шу кўчатларнинг ўзидан йилига каттагина даромад оляймиз. Уларни нафақат туманимиз, балки юртимизнинг турли бурчакларидан келаётган томорқачилар олиб кетишяпти, — дейди Илҳом ака.

Богбоннинг асосий машғулоти сара узум етиштириш, қора кишмиш майизи тайёрлашдан иборат. Унинг меҳнати маҳсули бетакорр мазаси, экологик тозаллиги, дармондориларга бойлиги билан юртдошларимиз эътиборини қозонган, уларнинг дастурхонини безаяпти.

— Қузда қора кишмишни тоифаларга бўлиш учун элакдан ўтказиб оламиз, — дея хунари сирлари билан ўртоқлашди Илҳом ака. — Боиси, элакда сараланган йирик майиз қимматроқ, майдалари эса нисбатан арзонроқ сотилади. Бугун бозорда бир кило юқори сифатли майизнинг нархи 50-60 минг сўм. Бир йилда 1,5-2 тонна майиз сотамиз, даромадимизни ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Соҳибкор томорқасини айланган киши, шунингдек, ёнғоқ, олма, ўрик ва бошқа мевали дарахтларга ҳам қўзи тушади.

— Айримлардан “томорқанга нега экин экмадинг”, деб сўрасангиз, турли баҳоналар, кўпинча сув танқислигини рўқач қиладди, — дейди гапиди давом этиб томорқачи миришкор. — Ишлайман, даромад қилиб, оиланинг бекам қўст яшашини таъминлайман, деган одам баҳона эмас, имконият қидириши керак.

Илҳом ака Саидов ва унинг оила аъзолари ана шу сўзларга амал қилиб, кам бўлмашяпти. Улар йилнинг ҳар бир фаслида тиним билмайди. Кеч қуш, қиш, эрта баҳорда эринмасдан ҳар бир туп ток тагида чоҳ қазилиб, маҳаллий ўғит билан тўлдирилади. Қор ва ёмғир сувиға



Суратда: Илҳом ака Саидов (ўртада) ўз томорқасида ташкил этилган узумчиликка бағишланган анжуман иштирокчилари даврасида.

обдон тўйинган табиий озукта то ёз саратонигача тоқларнинг, бошқа дарахтларнинг обихаётга бўлган эҳтиёжини қондириб туради.

Бир мисол ҳам кимёвий ўғит ишлатилмайди. Шу боис, узум ҳам, майизу бошқа мевачевалар ҳам бозорнинг энг олди, харидориг бўлади.

Олинадиган даромад эса турмуш фаровонлиги, янги режа, лойиҳа ва юмушлар амалга ошишига замин бўлади...

Х.КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллигига виждон эркинлиги – ҳар бир жамият эркинлигининг кўзгусидир



Минҳожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

Бошланиши 1-бетда

Ўттиз йил давомида қанча заҳмат, синовли кунларни бошдан кечирдик, мустақил тараққиётга интилиб, миллий тикланиш йўлини босиб ўтдик.

Бугунга келиб ҳаётимиз тубдан ўзгарди, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчилик сиёсати нафақат Ўзбекистонни тараққиётнинг миллий юксалиш босқичига олиб чиқди, балки Марказий Осиёда янги-ча муносабатлар шаклланишига ихобий таъсир кўрсатди.

Бугун ислохотлар, муносабатлар, қарашлар янги, ёндашувлар, ижролар янги-ча. Давлатимиз раҳбари айтганидек, бугун биз кечаги одамлар эмасмиз, мутлақо шиддатли бир даврда, янги Ўзбекистонда яшаямиз. Онгимиз, дунёқарашимиз, фикрларимиз ўзгармоқда. Қадамларимиз салмоқли, мўлжалимиз баланд, муродимиз юксак. Бу ўзгаришлар тўғрисида яхон ҳамжамияти мамлакатимизга нисбатан “Янги Ўзбекистон” иборасини қўлламоқда. Агар Ўзбекистонни яхлит бир вужуд деб оладиган бўлсак, бугун унинг қалби лиммо-лим орзуларга тўла. Энг муҳими, бу орзуларнинг жуда тез суръатда рўёбга чиқаётганидир.

Янги давр тои маънода жамиятимизда Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунини янги-ча назар билан, энг юксак демократик мезонлар асосида таҳрир қилди. Бу билан маъзур қонун ижроси тамомил янги босқичга қўтарилиди. Янги таҳрирдаги қонун билан танашар эканмиз, Ўзбекистон қимғадир ёқиш, қайсидир халқаро ташкилот эътирофига сазовор бўлиш учун эмас, биринчи навбатда, ўз халқининг хоҳиш иродаси, қалб амри, имон эътиҳи, бегубро барғир-кентлиги, шу билан бирга, жамиятдаги тенглик, барқарорлик, ҳамжиҳатлиқни ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун ҳам янги таҳрирдаги бу қонунни қабул қилганига гувоҳ бўламиз.

Шоирларимиз айтганидек, кеча қўрган қора кунларимиз бугун хотирамизда ёмон бир тўшдек сақланиб қолмоқда. Биз мустабид тузум даврида миллатимиз эрки, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари, имон-эътиқоди қанчалар топталганини эслар эканмиз, бугунги мунаввар кунларимизга чексиз шукроналар айтаемиз.

“Хуррият, келдинг-эй, ал-омон келдинг...”

Ўттиз йил аввал эрку саодати, виждон, имони топталган миллат эдик. Уйлаб кўринг, халигача мустабид тузум даврида яшаган кишиларга “Мусулмонмисиз?” деб савол берсангиз, “Алҳамдулиллаҳ, мусулмон” дейишга қўрқади. Қабристон олдидан ўтаётганда сездирмайгина, биров кўриб қолсанин, деб секин юзига фотиҳа тортади. Бу қон-қонимизгача сингиб кетган мустабид тузум сиёсатининг таъсири, тўғрироғи, қўркуви. Негаки, бир ўз ўттиз йил давомида минг йил йўллар билан халқнинг юрагига ваҳима солинди. Миллий, диний қадриятлар, гузал анъаналар оёқ ости қилинди. Араб айлфобосидаги бор қитоблар ёндирилди, уйдан қандай китоб чиққан қанча одам гуноҳқор қилинди. Хал-и-хануз эски деворлар тоқчалари, кўҳна қабристонлардан ўша даврларда қўриб қўлиб ташланган қитоблар чиқади. Мустабид тузум диний қадриятларга ҳужум асосида миллий қадриятларни ҳам қатагон қилди. Негаки, шўро сиёсатчилари бу халқнинг диний ва миллий қадриятлари уйғун эканлигини, уллардан бирини икинчисидан ажратиб бўлмаслигини яхши биларди.

Уламоларимизнинг айтишларича, мустабид тузум соҳиблари 1920 йилда туркистонлик мусулмонларни муқаддас Ҳаж зиёратига боришини тақиқлаб қўйган экан. Шу боис, 1944 йилгача ҳеч қим ҳаж зиёратига боролмаган.

Кейинчалик, жаҳон ҳамжамияти эътирозлари тўғрисида ҳаж ва умра зиёратига йилгича 5-10 нафаргина одамга рухсат берилган. Қанчадан-қанча бобо ва бувиламиз ҳаж зиёратига орузсиза армон билан кўз юмди.

Қишлоғу маҳаллаларимизда санокли кексалар беш вақт ибодатни адо этар, лекин шулар ҳам чеккароқ ҳовлидами ёхуд қабристонларнинг тобут сақланадиган ҳужраларида биқиниб таровехларни ўқир эди.

Атоқли шоирамиз Зулфияхоним истиқлол йилларида яратилган “Хотирам синиқлари” дostonида неча йиллар зирқираб келган қалб яраларини очар экан, шундай ёзган эди:

*Хуррият, келдингми — наҳотки келдинг,
Пинҳона соғиндим, пинҳона кутдим.
Ёмғирга бағрини тутган саҳродек —
Сенинг насимингга қалбимни тутдим.*

Қанчадан-қанча аждодларимиз истиқлолни пинҳона қутиб ўтиб кетди. Ошқора кутганларининг тақдирини нима бўлганлиги ҳақида бугун “Қатагон қурбонлари” музейи, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳудудларда ташкил этилган унинг бўлимларидаги фактлар, маълумотлар гувоҳлик бериб турибди. Олимлар, ёзувчи ва шоирлар, зиёли маърифатпарварлар, миллат фидойилари қаторида кўплаб диний уламоларимиз ҳам қатагон қилинди. Бутун умрини сургунларда ўтказди.

Улуғ эрксевар шоиримиз Абдулла Орипов Мустақиллик ҳақида сўз кетганда, бежиз “Елкамизга офтобнинг текканлиги рост бўлсин!” дея ёзмаганди. Ҳақиқатан ҳам, истиқлол офтобга ўхшайди. Офтобда ҳаёт нури, меҳр нафаси бор.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин маънавий ҳаётдаги янгилашни жараяни, туб ислохотлар самараси ўлароқ динга бўлган муносабат ҳам ижобий томонга ўзгарди. Виждон эркинлиги қонун орқали кафолатланди. Давлатимиз демократик ривожланиш йўлини танлади. Дин давлатдан ажратилди ва иккиси бир-бирининг фаолиятига аралашмаслиги ҳуқуқий жиҳатдан белгиланди. Бу қонун-қондаларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ўз аксини топди.

Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий, Махмуд Замахшарий, Наҳидиддин Қубро, Имом Бухорий, Аҳмад Фароний, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғинонийнинг қутлуғ тўйлари халқаро миқёсда нишонланиши, улар мангу қўним топган жойлар овод бўлиши, янги масжид ва мадрасалар, зиёратгоҳлар қурилиши маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди.

Мамлакатдаги диний ташкилот ҳамда конфессиялар фаолиятини тартибга солиб туривчи, аниқроқ қилиб айтганда, давлат ва диний ташкилотлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажарувчи янги бир тузилма — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди.

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда 16 та диний конфессия вакиллари ўз ибодатларини эмин-эркин адо этиб, тинч-тотув, аҳил-иноқликда яшаб келмоқда. Икки минг бир юзга яқин масжидларда юртдошларимиз тинчлик-хотиржамликда ибодатларини адо этмоқда.

Ўттиз йил ичида бу борада қўл ўзгаришлар бўлди. Шу билан бирга, баъзида қалитс хатлопар, чеклашларга ҳам йўл қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний баргикенглик” деб номланган резолюцияни қабул қилиш таклифи билан чиқар экан, шундай деган эди: “...Ушбу резолюция баргикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинлиқни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмақлашишга қаратилган”. Бу резолюция БМТга аъзо давлатлар томонидан юксак ҳурмат билан қарши олиниши ва қабул қилингани Ўзбекистонга нисбатан жаҳон ҳамжамиятининг ҳурмат ва эътирофи янада қучайишига хизмат қилди.

Кейинги йилларда тобора овод бўлиб бораётган масжидларимиз, у ерда ибодатга келувчилар учун яратилаётган покиза шариотлар, иссиқ сув, совуқ сув, масжидлар саҳнига тўшалган яхлит гулла-жўнамошларни кўрганда, Қурбон ва Рамазон ҳайитларидаги ўзгача муносабат, ўзгача файзини кўрганда беихтиёр дилингизда, “Бўлар экан-ку!” деб юборасиз. Ўзбекистонни автомобилда кезсангиз, қурилаётган кўплаб масжидларга қўзингиз тушади. Катта йўл бўйларидаги махсус белгилар шу яқин атрофда масжид борлигини кўрсатиб туради. Ҳар бир меҳмонхонада махсус белгилар билан қибла томон кўрсатиб қўйилган. Яна бир жиҳат, ислом динига хос масжидлардан ташқари мамлакатимиздаги бошқа мусулмон бўлмаган диний ташкилотларга тегишли ибодатхоналарда ҳам кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Мустақиллик йилларида 305 минг нафар юртдошимиз Саудия Арабистонига зиёрат учун бориб, шулардан 130 минг киши Ҳаж, 175 минг киши Умра амалини адо этган бўлса, кейинги йилларда яратилган шариот, эмин-эркинлик, халқимиз хоҳиш-истаклари асосида бу қўрсаткич янада ўсди. 2017 йили Ўзбекистон тарихида биринчи марта Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 150 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларнинг ҳамроҳлари имтиёзли равишда Ҳаж зиёратига юборилиши юксак инсонпарварлиқнинг яна бир намунаси бўлди. 2018 йилдан



бошлаб эса Умра зиёрати йил давомида амалга оширила бошланди, ўша йили 16 000 нафар, 2019 йилда 38 000 нафар, 2020 йилнинг I чорағида 28 000 нафар юртдошимизга улуғ зиёрат саодати насиб этди.

2017 йил 1 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Ҳазрати Имом маъмуасига ташрифи чоғида диний соҳа ҳодимлари, жамоатчилик вакиллари билан бўлган учрашувда “Қуръон мусобақаси” ўтказиш таклифини илгари сурди. Қуръони қарим тиловати бўйича қорилар очик мусобақаси ташкил этилиб, унда беш мингдан зиёд қори иштирок этди. Бу халқимизга чексиз қувонч ва шукроналик бахш этди.

“Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!”. Бу гапни айтиш қанчалар қийин эди

Масжидлар, мадрасалар, нурхоналар, пирхоналар... Лекин собик иттифок даврида улар қандай аҳволда эди. Омборхоналар, ўғитхоналарга айлантирилди. Маъзур уламоларимиздан бири айтиб берган бир ҳолат ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мамлакатимиздаги тарихий обидаларда жойлашган масжидлардан бири Ўлкашшонослик музейига айлантирилибди ва атайин меҳробга қотирилган ёввойи тўғиз қўйилибди. Ҳақиқатда қанча муқаддас зиёратгоҳлар, қадамжолар тўғизларча пайхон этилди. Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий, Абул Муин Насафий, Ҳўжа Аҳрор Валий...бу муторак номлар рўйхатини қанча давом эттириш мумкин. Аммо биз ўша пайтларда уларни билармидик. Улар мангу қўним топган зиёратгоҳлар қай аҳволда эди? Узоққа бормайлик, яқин ўтмишда — 80-йилларда халқимиз Наврўзни байрам қилгани, сумалак пиширгани учун қанча таҳқирланди. Фарзандига суннат ўғли қилганлар-чи? Отасига жаноза ўқитган



раҳбарларнинг ҳоли нима кечди? Ҳайит байрами куни намозга келган одамларни ҳайдаб, йўли тўсилганлар-чи? Халқимиз неча йиллар давомида фарзандларига яширин никоҳ ўқиттирмадими?

Ёдимда, тўқсонинчи йиллар бошида улуғ эрксевар шоиримиз Эркин Воҳидов Ўзбекистон телевидениесининг тонгда тўғридан-тўғри олиб бориладиган “Ассалом, Ўзбекистон” қўрсатувига халқимизни Ҳайит байрами билан табриқлаб юборди. Ушанда онам раҳматлининг йиллаб, “Шундай кунларни кўрсатганинга шукр”, деган сўзлари бир умр қўлогимда жаранглайди. Кейин-чи?! Ўзликни англаш, ўзликни топиш, ўзликка қайтиш осон кечгани йўқ. Бу борада таниқли ёзувчи Ҳаким Сатторий шундай воқеани айтиб берганди:

— 1990 йил Шаҳрисабз туманининг “Коммунизм байроғи” газетаси муҳаррири, шоир Бозор Номозов янгилашлар нафасидан қуч олиб нашр пештоқидидаги “Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!” шiori ўрнига ҳеч қимдан ўсрамай, “Ассалом алайкум!” деган ўзбекона сўзларни қўйиб юборди. Шундан кейин бошига қанча қўруғлиқлар тушади... Ишдан ҳайдашди, қамалишига бир баҳя қолди. Қарийб 40 йиллик муҳаррир қўчада қолди. Тирикчилик ваҳидан бир неча йил

аранг чекка бир қишлоқ кенгашида қотиб бўлиб юради.

Бугун масрур газета варақлайман, нашрлар шоирларига назар ташлайман: “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”, “Ўзбекистон — келажик буюқ давлат”, “Адабиёт, маданият яшаса — миллат яшайди”, “Инсон манфаатлари — олий қадрият”, “Таълимга эътибор — келажакка эътибор”, “Буюқ келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураемиз!”

Ҳа, бутун дунё пролетарлари бирлашмади. Негаки, бутун оламга икки Ренессанс даврини ўтказиб, улуғ алломаларни берган халқ, миллат, Ҳақ йўлдан, Ҳақ диндан воз кечмади. Башариятни фақат эзгу ғоялар бирлаштириши мумкин. Олиханоб даъватларигина инсониятни ҳақ йўлга бошлаши мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарини таралган нур

2017 йил 19 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси минбаридан туриб сўзлаган нутқини бутун дунё ҳамжамияти, қанчадан қанча давлатларнинг президентлари, ислом олами уламолари, бутун дунё мусулмонлари, жумладан, Ўзбекистон халқи катта ҳажжон, ғурур, шукроналик билан тинглади. Негаки, шу куни илк бор ислом динининг асл инсонпарварлик моҳияти билан бирга буюқ ватандошимиз, улуғ муҳаддис Имом Бухорий номини ушбу қутлуғ минбарда унинг муносиб авлоди томонидан янгради.

“Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз муҳассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз.”

Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиган қарорни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроаса қила олмаймиз. Ислам дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Уйғонки даврининг кўплаб ёркин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюқ алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига қўра, ислом динида Қуръони қаримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислам цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари миллионлаб, эҳтимол, миллиардлаб дилларда акс-садо берди. Бу муқаддас динимиз, буюқ аждодимизга нисбатан жуда

катта эҳтиром эди. Бу жуда катта журъат ила муқаддас динимиз ҳимояси йўлидаги қатъий фикрлар эди.

Бу пайғамбар шахсини қарикатура қилганлар, ислом дини дунёдаги кўплаб хунрезликларнинг асоси, экстремизм, зўравонлик ва қон тўкиш омили деб қарайдиганларга муносиб жавоб бўлди. Бу дунёдаги миллиардлаб ёшлар тарбияси, буюқ ахлоқ ҳимояси сари қўйилган қадам эди.

Шу боис, Ўзбекистон давлати раҳбарининг улуғвор режалари, минтақавий ва жаҳон миқёсидаги муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши бўйича билдирган аниқ фикр ва таклифлари халқаро жамоатчилик томонидан қизгин қутиб олинди.

Дунёда мусулмонларга нисбатан салбий муносабат қучайиб бораётган бир пайтда жаҳолатга қарши жаҳолат бўлиб юради.

билан эмас, балки маърифат билан курашиш, оқибат билан эмас, аввало, сабаб билан курашиш ҳикмати Имом Бухорий юртига хос улуғ даъват бўлди.

Кейинги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд маҳкум жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган 993 нафар фўқаро Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар қўмиталари қадрлилигига олинди. 2019 йили Жаслиқ қўргонидидаги жазони ижро этиш колониясини ёпилиши инсонпарвар сиёсатининг яна бир амалий намунасирид.

Ўзбекистон жаҳоннинг қаерида бўлмасин, ўз фўқароларига ғамхўрлик қила олишининг ёркин намунаси бугунги кунгача ўтказилган “Меҳр 1, 2, 3, 4, 5” операциялари доирасида, асосан, хотин-қизлар ва болалардан иборат 531 нафар ватандошимиз она юртга қайтариб келинди. Ушбу вазиятда Ватан кечиримли ота ўрнида бўлди ғўё.

Азон товушидан қалблар уйғонар

Эрта тонг. Муаззиннинг сеҳрли овози қалбларни уйғотади. Масжидлар минорларидан учган наҳот даъвати эзулиқ нури бўлиб борлиққа таралади. Қадрили, сирғил, ёқимли овоз. Ҳар биримиз дунёга келганимизда улуғларимиз қўлогимизга азон айтган, у шундан бир умр қалбимизга нақш этилган. Бу имон нақши, виждон, ҳалоллик, поклик нақши, бир умр яхшилик йўлида яшаб, яхшиликка хизмат қилиб ўтиш нақши. Шўқрки, яна азон товушлари янграмоқда.

Ўзбекистон миллий тараққиётнинг янги даврида қадриятлар янада қадр топа бошлади. Буни барча соҳалардаги туб ўзгаришлар қатори маънавият, муқаддас ислом дини таълимоти, қадриятлар бўлган муносабатларга ҳам қўриш мумкин. Кейинги уч йилда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислам цивилизацияси маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси фаолиятининг йўлга қўйилиши борасидаги ҳаракатлар диққатга сазовордир.

Сурхондарё вилоятида Ҳаким ат-Термизий, Қашқадарё вилоятида Абул Муин Насафий, Тошкент шаҳрида Сузуқ ота, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф мажмуаларининг бўёнё этилиши, кўплаб янги масжидларнинг очилиши, улуғларимиз мақбараларининг тубдан таъмирланиши, диёримизда таълим, илм-фан, маданият ва маърифат, аждодлар меросини ўрганиш, қадрлашга бўлаётган юксак эътибор нафақат мамлакатимиз ва минтақа аҳолиси, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Шуниси қувонарлики, ўтмишда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, самарқандийлар, хоразмийлар, термизийлар, насафийлар таратган илм зиёсидан қанчалар баҳраманд бўлган бўлса, бугунги кунгача бу баҳрамандлик давом этмоқда, аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос ўз қадри ва аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Қош қорая бошлади. Муаззин шом намозига азон айтди. Кўнгуллар яна тенгсиз хузур тулди. Қўн бўйи ризқ излаб турли томонларга учиб кетган қушлар яна даврахларни макон тутди. Уларнинг ҳам бўлиб чуғурлашларига қулоқ солар эканман, ҳаёлимдан бир фикр ўтди: “Қушлар ҳам ибодат қилмоқда”.

Шунда беихтиёр Президентимизнинг шу йил февраль ойда Наманган шаҳридаги хонадонлардан бирига қилган ташрифи, ўша пайтда азон янраган ҳолатда айтган сўзлари ёдимга тушди: “Худого шукр, олдин азонлар эшитармидик? Қандай ёқимли! Ҳамма нараса ёлқ эди, қўн нараса мумкин эмасди. Мумкин эмас, нимага мумкин эмас? Бу ҳам ўзлгимизни англаш, қадрият-ку! Ислам динини ўқиган,

тўғри таҳлил қилган, тўғри йўл танлаган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Динимизнинг буюклигини, динимизнинг инсонпарварлигини, эзгулигини тараннум қилишимиз керак. Бу ҳам бизнинг тарихимиз, эртанги кунимиз, ўзлгимиз...”.

Жаҳолатга қарши маърифат жаҳоний даъватга айланди

“Биз буюқ давлат, буюқ тарих, буюқ маданият яратган халқимиз”. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзлари ҳақида кўп ўйлайман. Ҳар гал бу сўзларни тилга оларканман, ичимдан, “Шу халққа муносиб бўл, сен ҳам миллатни шундай даражаларга қўтар!” деган даъват келаверади. “Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш!”. Улуғ мақсад, буюқ мўлжал. Унга эришиш учун давлат раҳбари барча имкониятларни яратиб бермоқда. Тарбия, таълим, илм-фан, юксак технологиялар ва, албатта, гузал ахлоқий фазилатлар, юксак маънавиятга асосланган ватанпарварлик. Худо хоҳласа, буларнинг барчасига эришамиз. Бирок бу йўлда битта нараса оёғимизга қишан бўлиши мумкин. Жаҳолат!

Ҳикмиди ўқиб қолдим, бир олим жоҳил одамни оддий тарзда шундай таърифлаб берапти. Ўғини, билиши зарур бўлган билимларни билимаслик, билишга интилмаслик, билиши зарур бўлмаган нарсалар вақтини сарфлаш. Баззан моҳият, илм, имон бир ёқда қолиб, шакл билан овора бўлиб қолаётгандекмиз. Бир аср илгари ҳадид боболаримиз кўтарган айрим муаммолар жамиятимиз ҳаётида ҳамон долзарб бўлиб қолаётгани ачинарли, ҳам уятли. Масалан, улуғ маърифатпарвар Мунавварқори Абдурашидхонов, “Бугунгача Оврпо халқи осмонга учар экан, бизда соч ва соқол низолари, овруполарни денгиз остида сузар экан, бизда узун ва қисқа кийим жанжаллари, Оврпо шаҳарлари бутун электр билан иситилур ва ёритилур экан, бизда мактабларда жўғрофия ва табиёт ўқитиш, ўқитмаслик ихтилофлари...”, дея ёзган эди. Таассуфки, биз ҳамон мана шундай ташқи кўринишлар масаласидаги баҳсларга кўпроқ берилаётгандекмиз. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” янги таҳрирдаги қонунда “ибодат либоси” тушунчасининг ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги сабабли жамоат жойларида ибодат либосида юришга тақиқ бекор қилиниши ушбу жиҳатдан муҳим қадам бўлди.

Қонун билан танашар эканмиз, у чинакам маънода жамиятимизда виждон эркинлигини таъминлаш борасидаги демократик қарашларнинг ўзига хос қўзғувчи сифатида намоён бўлаётганини англаймиз. Қонунда диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартиби соддалаштирилгани, жумладан, маҳаллий диний ташкилотлар, масжидлар ва бошқа конфессияларнинг ибодатхоналарини ташкил этиш бўйича ташаббускор фўқаролар сони икки баробар қамайтирилиб, 50 нафардан кам бўлмаган ҳолда этиб белгилангани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бундан бўён диний ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ хизматлар тўлиқ электрон шаклда, инсон омилисиз амалга оширилиши, адлия идораларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сони кескин қисқартирилиб, уларни қўриб чиқишининг мuddати 3 ойдан 1 ойга туширилиши ҳам ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Шунингдек, қонунда, жамиятда турли ёт қарашларни тарғиб қилмоқчи бўлган ғурухлар фаолияти, улар томонидан тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг салбий таъсиридан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида диний мазмунидаги материалларни диншўнослик экспертизаси ихобий ҳулоасини олгандан кейин тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш белгиллаб қўйилди. Диний қараш ва таълимотларнинг турлича талқин қилинишига йўл қўймаслик мақсадида “ноқонуний диний фаолият” билан “қонуний диний фаолият” ўртасидаги чегара аниқ кўрсатиб қўйилди ҳамда “диний таълим” тушунчасига ҳуқуқий жиҳатдан аниқлик киритилди.

Жамиятда тинчлик-тотувлиқни таъминлаш, диний баргикенглик ва конфессиялараро ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш, ихтимоний-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний эътиқод билан боғлиқ қадриятлар, урф-одат ва анъаналар ҳурмат қилинишида ушбу қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳулоса сифатида шунч алоҳида қайд этиш лозимки, бу қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон нафақат ўз халқининг виждон эркинлиги бўйича ҳақ-ҳуқуқларини демократик талаблар асосида мустаҳкамлаб қўйди, балки Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилган БМТ



ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ

Алпомишлар юрти Сурхондарё фарзанди Баҳодир Жалолов ўта оғир вазнда ҳам чемпион, ҳам турнирнинг энг яхши боксчиси, деган эътирофга сазовор бўлгани республикамизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширди. Мен Баҳодирни кўпдан бери танийман, кўп суҳбат қилганман... Унинг ўзбек ўғлони нималарга қодир эканлигини дунё миқёсида кўрсатгани, сабр-тоқат билан ўзининг устида ишлагани чинакам меҳнат натижасидир. Мен сиз билан ғурурланаман!..

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Келажақ бугундан бошланади

— 2019 йилда Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг +91 килограмм вазн тоифасида олтин медаль соҳиби бўлдим, — дейди Баҳодир Жалолов. — Ушанда давлатимиз раҳбарининг мен ҳақимда айтган юқоридаги сўзларини нафақат ёдлаб олганман, балки кўнглим тубига муҳраб қўйганман. Мен Президентимизга “Албатта, жаҳон чемпиони бўламан”, деб ваъда бергандим ва бунинг уддасидан чиқдим. Отам раҳматли жаҳон чемпиони бўлишимни орзу қиларди, афсуски, бахтиёр кунларимни қуриш насиб этмади. Олис бир чекка туманда туғилиб, вояга етган мендай оддий йигит кун келиб, дунё чемпиони бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Бу ютуқларимнинг барчаси, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда спортга берилаётган юксак эътиборнинг самараси деб биламан. Очиги, Президентимиз кўксимга “Ўзбекистон ифтихори” унвонини тақаббанида ўзимни эртақдаги орзулар мамлакатига тушиб қолгандай ҳис қилганман. Бу ҳис ва ҳаяжон ҳали-ҳануз мени тарқ этгани йўқ. Токио Олимпиадасида, албатта, чемпион бўламан, Президентимизнинг, халқимизнинг юксак ишончини яна оқлайман!

Бокс бўйича жаҳон чемпиони, “Мард ўғлон” давлат мукофоти ҳамда “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони соҳиби Баҳодир Жалолов айни кунларда Япониянинг Токио шаҳрида мураббийлари — ака-ука Тўлқин ва Фаррух Қиличевлар билан олимпиада мусобақаларига тайёргарлик машғулотларини олиб бормоқда. Биз Баҳодир Жалолов ва унинг онаси Сабоҳат Жалолова билан Олимпиада сафари олдидан учрашиб, суҳбатлашган эдик. Дилдан кечган самимий суҳбат жараёнида шу нарсага амин бўлдики, аслида ҳеч бир ютуқ шунчаки қўлга киритилмади, унинг ортида машаққатли меҳнат, мақсадга эришиш йўлидаги тинимсиз интилишлар, устозлар сабоқлари ҳамда ота-онанинг эзгу ниятлари йўғрилган дуолар куч бўлиб туради!

От изини той босар

Баҳодир Жалоловнинг отаси раҳматли Исомиддин полвонни нафақат Сурхондарёда, балки Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам яхши танишган. Самбо бўйича спорт устаси Исомиддин Жалоловнинг Сарюсёёдаги қочқоқна ховлисига кураги ер кўрмаган машҳур полвонлар тез-тез келиб турган. Икки қизини еру кўкка ишонмайдиган полвон ёлғиз ўғли Баҳодирни ўзгача меҳр билан суяр, хотини Сабоҳатга қараб, “Онаси, кун келиб ўғлим, чемпион бўлади, уни ўзим мусобақаларга тайёрлайман, мураббийи ҳам ўзим бўламан”, дерди.

Аёл эрининг сўзларини маъқуллаб, “Ўзингиз полвон бўлганингиздан сўнг, ўғлингиз изингиздан боради-да, “От изини той босар” деган мақол бежиз айтилмаган, мен ҳам қизларимизнинг ўзимга ўхшаган ўқитувчи бўлишига ҳозирданок тайёргарлик кўраверсаммикан”, деб ҳазиллашар, шу тариха, эр-хотиннинг соф орзулари осмон қадар юксалиб бораверди.

“Тошкент йўлбарси”нинг ташрифи...

Шундай орзуларга тўла мунаввар кунларнинг бирида пешин маҳали Исомиддин полвоннинг дарвозаси тақиллаб, “Тошкент йўлбарси” деб ном олган машҳур боксчи, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев кириб келди. Исомиддин меҳмон билан кучоқ очиб, куюқ қўришар экан, анчадан бери кўнглида ўйлаб юрган сўзларини тилига чиқарди.

— Руфат ака, зап келдингиз-да, қадамингизга ҳасанот. Сиздан битта илтимосим бор. Ўғлим келажақда машҳур боксчи бўлишини истайман, келинг,

ирим қилиб, елкасига уриб, бир тупуриб қўйинг, сиздай машҳур спортчи бўлсин, — деб 3-4 ёшлардаги Баҳодирни Руфат Рисқиевнинг қўлига тутқазади.

— Ўх-ў, бу той бола намунча оғир бўлмаса, бўйини қаранг. Полвонлиги сенга ўхшаб турибди-ку. Майли, илоҳим пешонаси яқрираган, кураги ер кўрмаган полвон, мушти темир боксчи бўлсин ўғлинг, омин.

Исомиддин полвоннинг орзуси...

Шундай қилиб, кунлар, ойлар, йиллар бир-бири кувиб ўтаверди. Баҳодир мактабда 4-синфга ўтганида отаси уни махсус футбол мактабига етаклади. Гарчи, ич-ичидан унинг боксчи бўлишини истаса-да, фарзандининг қизиқишини ўз орзусидан устун қўйди. Чунки ўғли болалигиданок фақат копток тепиб футбол уйнар, иштиёқи бениҳоя баланд эди. Онаси олиб берган расм дафтарларига сурат чизиш ўрнига, дунёнинг машҳур футболчилари суратларини ёпиштириб чиқар, ота-онасига катта бўлганида зўр футболчи бўлишини айтиб чарчамасди. Уч йил мунтазам футбол билан шуғулланган Баҳодир балалар ўртасидаги турли мусобақаларда ҳам иштирок эта бошлади. Ундаги иқтидорни янада тيرانроқ англаган Исомиддин полвон ўғли 7-синфга ўтганида Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежига олиб борди. Ҳужжатларни топширмоқчи бўлганда эса қабулдагилар ота-болага футбол бўлимига қабул тугатгани, фақат бокс ўйналиши учун ҳужжат топшириш мумкинлигини айтади. Шундай қилиб, футболчи бўламан, деган Баҳодир, тақдир тақозоси ёки отасининг кўнглидаги орзуси сабабми, коллежнинг бокс бўлимига захира асосида ўқишга қабул қилинади.

“Болам, сени ким бу аҳволга солди?”

Чамаси бир ойлардан кейин фарзандини кўриш учун Сурхондарёдан Чирчиққа келган Сабоҳат опа ўғлининг юзи кўкариб, шилинганини қуриб довди-раб қолди.

— Болам, сени ким бу аҳволга солди, коллежда шунақа уриб ўқитишадими, — деб ўпкаси тўлиб йилгади. Ўғлининг озиб, киртайиб кетган кўзларига қараб, “Юр, уйимизга кетамиз, ўқимайсан бу ерда, сенинг соғлигинг керак менга”, деб боласини маҳкам бағрига босди.

Спортга ўта қизиқувчан бола онасининг юзларини меҳр билан силади.

— Онажон, ҳечам хавотир олманг, мени ҳеч ким урмади, боксда шунақа жанг қилиб, тайёрланиш керак, ўқийман. Дадамнинг орзуларини рўёбга чиқариб, чемпион бўламан, фақат сиз йилламанг, олиб кетаман ҳам деманг, майлими? Ўзимнинг меҳрибоним, онажоним!..

13 ёшли ўғлининг катта одамлардай сокин ва хотиржам овозда сўзлаши Сабоҳатни хайратга солди. Наҳотки, менинг болам шу қадар жиҳдийлашиб, бир ойда шунчалик ўзгариб қолган бўлса, дея, унга узок термулиб қолди. Футбол деса ҳамма нарсани унутиб, кўча чангитиб, копток тепиб ўйнаб юрган зурриёди, бир зумда ҳақиқий боксчига айланиб қолгандай эди назарида. Ўғлининг ёниб турган кўзларига боқиб, кўнгли бироз жойига тушган онаизор боласининг сўзларидан кейин яна анча таскин топди. Шу кун ўғли билан қолиб, узок гурунглашди. Лекин барибир ҳар икки ҳафтада келиб, ўғлининг ҳолидан хабар олишини қанда қилмади.

Уша йилларда эски автобусларда қатнаш жуда қийин бўлган. Она эмасми, қиянинг қаратонию ёзининг жазирмасида ҳам Сурхон ва Чирчиқ йўлларида нон ва егуликлар билан тўлган оғир сумкаларни кўтариб қатнашдан чарчамади. Ўғли ўқишга қўлимча захира асосида қабул қилинганидан унга ётиб-туриши учун на ётоқхона ва на коллеж ошахонасидан овқатланишига рухсат берилган...

Ҳаётнинг мукофотлари бор

Ўсмир Баҳодир ўқиш ва машғулотларга астойдил берилиб, боксга меҳр қўйиб, тинимсиз машғулотлар ўтказиб юрган кезларида, дадаси Исомиддин полвонни штат қисқариши баҳонасида ишдан бўшатишди. Олий маълумотли бўлса ҳам бошқа сабабми, бошида ёқимсиз бир оғриқ пайдо бўлиб, вақти-вақти билан безовта қилиб турди. Эрининг соғлигидан ташвишланган аёл “Дадаси, юринг шифокорларга бир кўринайлик, негадир кейинги пайтда бошингиз кўп оғрияпти, сиздан хавотир оляман”, деса, “Э, қўйсанг-чи, ваҳимангчи қара, олдин ўғлимиз чемпион бўлсин, кейин иккаламиз ҳам даволанамиз. Ишларим орқага кетиб, бир ўзинг анча уришиб қолдинг, ҳали ҳаммаси олдинда, ҳаётнинг сенга аталган мукофотлари бор”, дея гапни бошқа ёққа бурарди.

Баҳодир эса ўзидан кўра, дадасининг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун жон-жаҳди билан кечаю кундуз машқ қилиб, тинимсиз шуғулланди. Чемпион бўлиш орзуси ёш спортчини бир сония бўлмаса ҳам тарқ этмади. Устозлари Тўлқин Қиличев ва таниқли боксчи Рустам Саидов бу йўлда унга ишончли қанот бўлди. Жанг олиб бориш сирларини кўнт билан ўргатди, унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлади. 2010 йилдан бошлаб у коллежда турли мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга кирита бошлади.

Бокс нима эканини тушунмасдим ҳам

(Б.Жалолов ҳикояси)

— Биласизми, 2008 йилда коллежнинг бокс бўлимига 13 нафар бола ўқишга топширган бўлсак, фақат мен бокснинг нима эканини тушунмасдим. Ахир ўша пайтгача қўлимга бирон марта бокс қўл-



қилини ҳам киймагандим. Захира асосида ўқишга қабул қилинганим учун менга ётоқхона беришмаган. Коллеж раҳбари “Агар чемпион бўлсанг, ётоқхона берамиз”, деганди. Тўнлари коллежнинг катта манежларида бир ўзим ётишга мажбур бўлардим. Овқатга пулим етмай, оч қолган кунларим бўлган. Коллежimizдаги ошпаз аёл раҳми келиб, баъзан у-бу егулик бериб турарди. Ота-онамдан пул сурашни ор билардим. Чунки ўша вақтда дадам раҳматлининг ишлари анчагина юришмай, топиш-тутишлари қамайиб, рўзгорнинг бор оғирлиги ёлғиз онамнинг елкасига тушганди.

Онам бир эмас, иккита мактабда дарс бериб ўқитувчилик қилган, қамига қўлимча иш олдди, туни билан алпақандай ҳужжатларни ёзиб, тўлдириб ўтирарди. Шунинг учунми, коллежда ўқиб юрган йилларимни эспасам, баъзан кўнглим чўқади, ҳаётнинг қийинчилигини, ноҳақлиқни ёш бошим билан ўша даврлардаёқ ҳис қилганман. Ҳозирги кундаги бирдан-бир олий ниятим Олимпия ўйинларида ғолибликни қўлга киритиш. Ҳаётдаги асосий мақсадим эса онамнинг кўнглини олиш, ярим кўнгда мадор бўлиш, олам ва синглимга ота ўрнида ғамхўрлик қилиш. Энг асосийси, упарнинг қалбида ғам, қузида нам бўлмасин. Бахтиёр ва тўқис яшашлари учун бор меҳрим ва бор кучимни сарфлайман!

Менинг ўғлим чемпион!

2014 йили машаққатли меҳнатларининг самараси ўлароқ, Б. Жалолов 20 ёшида Республика очик турнирида 91 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринга сазовор бўлди. Айнан ўша йили Ўзбекистон Бокс федерацияси томонидан ўтказилган Сидней Жаксон мемориал турнирида 3-даражали диплом

билан, очик турнирда сертификат билан, Россиянинг Белоярский шаҳрида ўтказилган 12-Жаҳон кубогида эса олтин медаль билан тақдирланди.

Сабоҳат ЖАЛОЛОВА:

— Баҳодиржоннинг чемпион бўлганини эшитган дадаси ўша кун “Менинг ўғлим чемпион!”, дея ҳайқириб юрди. “Сабоҳат, сен тасаввур қиляпсанми, ахир ўғлимиз чемпион бўлди. Энди ўлсам ҳам беармон кетаман, бу дунёдаги энг катта орзуим ушалди. Ёлғизим, изимни босар тойим, паҳлавоним чемпион бўлди”. Мен турмуш ўртоғимни ҳеч қачон бундай масрур ва мамнун ҳолда кўрмагандим, унинг ўша вақтдаги ҳаяжонини ҳозир ҳам таърифлаб бера олмаيمان.

Биз мураббийликдан кетамиз...

Баҳодир Жалолов чемпион бўлганидан сўнг Ўзбекистон терма жамоасига қабул қилинган бўлса-да, негадир баъзи бир нопок мураббийлар уни мусобақаларга яқинлаштирмай қўйди, аниқроғи, четлатишга ҳаракат қилди — мусобақаларда қатнашишини очикчасига истамади. Бундай ноҳақликка чидай олмаган мураббийлари Рустам Саидов ва Тўлқин Қиличев пойтахтга келди. Мутасадди раҳбарларнинг олдига кириб, вазиятни айтиш учун соатлаб, кунлаб эшикда сарғайиб навбат қутишди. Навбатлари етганида эса дангалига, “Агар Баҳодир Жалолов мусобақалардан сабабсиз четлаштирилса, биз ҳам ишламаймиз, ўз аризамиз билан ишдан кетамиз”, деб баралла айта олди. Шундан кейин чемпионнинг йўлларига тўсиқ қамайгандек бўлди.

Шогирдининг маҳорати, иқтидорини кўра билган икки устоз унинг келажақдаги ютуқлари учун астойдил жон қўйдирди. Баҳодирни турли ғаразли кимсаларнинг назаридан ҳимоя қилишга, бола кўнглини чўктирмасликка ҳаракат қилди. Олис ҳудуднинг чекка бир туманидан порлаб чиқётган ёш спортчининг йўлларида йўлчи юлдуз бўлди.

Мен шогирдимга ишонаман!

— Ҳа, чиндан ҳам шундай кўнгилсиз воқеалар бўлиб ўтган. Баҳодирни мусобақалардан четлатишга роса уринишган. Аммо биз ҳам қараб турмаганимиз, — дейди Рустам Саидов. — Мутасадди раҳбарларнинг олдига борганимиз. Ахир қандай қилиб шундай иқтидорли, бўлажақ юлдузининг шижоатини сўндириб, билалдаги кучини кўра била туриб, уни спортдан четлатиш мумкин? Мен Баҳодирни ўз ўғлимдай, ўз жигаримдай яхши кўраман, йиллаб у билан шуғулланганим, унинг ҳар бир ютуғи менга ҳам берилган юксак баҳо. Бу сафар ҳам

дадамга нима бўлди, ахир уч ой олдин жуда ҳам яхши эди-ку”, деб йиллаб юборди. Онаси жигарбандининг ёш боладай ҳўрланиб йиллашини кўриб, бор куч ва иродасини жамлаб, ўғлини юлатди ва бор ҳақиқатни ўша ерининг ўзюда айтиб берди.

Шундан сўнг Баҳодир дадасини энг зўрман, деган шифокор, профессорларга кўрсатди. Она ва ўғилнинг кўнлари яна шифохоналарда ўта бошлади. Исомиддин полвоннинг соғлиги эса кун сайин орқага кетаверди. Баҳодир “Дадам яшашлари керак”, дея бир дақиқа ҳам умидини сўндирмай даволатишда давом этди.

2016 йил Хитойда уч ой давомида тайёрланиб, Осиё чемпионатида Олимпиада йўлланимасини



қўлга киритди. Деярли ҳар кун кўнгирак қилиб, дадасининг аҳволини сўраб турди. Чемпионатда қўли жароҳат олгани сабабли операция қилинди. Айнан ўша кун, тақдир азал ҳам ўз ҳукмини ўтказиб, Исомиддин полвон омонатини Ҳаққа топширди. Шифокорлар Баҳодирга “Сенга ҳозир юриш мумкин эмас, жароҳатинг оғир”, деса ҳам у Ўзбекистонга қайтди. Армонлар, азоблар ва энг яқин инсонини йўқотиш озори сабабми, тажрибасизлик қилибми, Баҳодир Жалолов 2016 йил август ойида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада ғолиб бўлолмади.

Юрагимга юк бўлган армон

— Рио Олимпиадасида Ўзбекистон жамоасининг байроқдори бўлганимда 21 ёшда эдим, — дейди Баҳодир. — Жамоа сардори бўлиб, она Ватанимиз байроғини кўтариб чиқиш вазифасини менга ишониб топширганлари учун жуда ҳам фахрланганман. Аммо руҳий кечинмалар қаттиқ таъсир қилганди, чемпион бўлолмадим. Бу юрагимда армон бўлиб қолган. Худо хоҳласа, бу сафар халқимизнинг ишончини оқлаб, Олимпия ўйинларида олтин медалини қўлга киритиб, жонажон она Ватанимга, муқаддас Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтаман!

Сиз оналарга намунасиз

Бу қўхна оламда инсон зоти борки, фақат зурриёдининг қамолини, ёруғ келажагини, тўқис бахтини ўйлаб яшайди. Айниқса, мунис оналар учун ўз фарзандининг ютуқлари ортидан гўзал эзгу тилақлар ва юксак эътирофни эшитишдек ёқимли ҳис бўлмаса керак. Айниқса, у давлат раҳбари томонидан айтилса...

Сабоҳат Жалолова билан Тошкент аэропортидан чемпионимизни Олимпиада сари оқ йўл тилаб қузатиб қайтар эканмиз, унинг кўзлари ёшга тўлиб, маъно тортиб қолди.

— Нега ғамгин бўлиб қолдингиз, ахир ўғлингиз Ўзбекистон шаънини шарофлаш, байроғини юксакка кўтариш учун Олимпиадага кетди. Бу ҳамма спортчиларга ҳам насиб этавермайдик-ку? — дея сўраймиз.

— Шодлигимдан йиллаяпман. Бугагинамни кетмасидан туриб соғиндим. Ўғлим жуда ҳам меҳрибон, очикқўнғил йигит, опаси ва синглисига бирдай ғамхўр. Уларга ота ўрнида ўзи бош бўлиб, камқўстсиз узатди, тўйлар қилди, жиянларига ҳам парвона. Баҳодиримнинг сафари бехатар бўлсин, ой бориб, бағримга омон қайтсин. Паҳлавоним Олимпия ўйинларига отасининг дуосини олиб кетмаган бўлса-да, Президентимизнинг ишончини олиб кетди. Мен, бутун оналик қалбим билан ҳис қиляпманки, суянчигим бу сафар ҳам музаффар бўлиб қайтади. Олис Токио ареналаридан туриб “Онажон, мен ютдим”, дейди, албатта, шундай дейди!

Оддийлик бор экан, одабийлик ўлмайди

Баҳодир Жалолов билан юракдан суҳбатлашиб ва унга Олимпия ўйинларига кетиш олдидан омад тилаш учун учрашиб, чамаси бир соатча суҳбат қурдик.

— Ҳар бир ғалабам ортида устозларимнинг машаққатли меҳнати, онамнинг дуолари, раҳматли дадамнинг соф орзулари, Президентимизнинг юксак ишончи муважжам, — дейди у. — Бу юксак доволарни забот этишим учун ҳаётда кўп қиналдим, ноҳақликларга дуч келдим, етишмовчилик нима эканлигини бошимдан ўтказдим. Ёлғиз ўзим бола бошим билан қорним нонга тўймай, ётоқхонада жойим бўлмай, тулпарни тоңларга улаб, Чирчиқдан Тошкентгача пиёда келган кунларим ҳам бўлди. Уша вақтларда 14 ёшга ҳам тўлмаган эдим...

Бироқ сўнгги 4-5 йил ичида давлатимиз раҳбарининг ёшларга қаратаётган эътибори, ғамхўрлиги, рағбатли бизларни янги марралар сари чорламокда, куч бериб, руҳлантирмоқда. Президентимдан чексиз миннатдорман! Худо хоҳласа, Ўзбекистонга ёруғ юз билан қайтаман!

Баҳодирнинг сўзларини кун қулғом билан эшитар эканман, баъзи бир спортчиларнинг машҳур бўлганларидан кейинги димомдор чехралари кўз ўнгимдан соядай ўтди. Шунда “Оддийлик бор экан, одабийлик асло ўлмас”, деган ҳикматли гапнинг мағзини қаққандай бўлдим. Одабийликда, мардликда ирода ва машаққатли меҳнатда ғолиб бўлиб етишган инсоннинг ҳали кўп бора чемпион бўлишига ишонамиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим Дониёров

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2230.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоши келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона маъмили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мушарраф: Асолат Шербекова
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 01:05 Топширилди — 01:35